

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
O'ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI  
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI  
O'ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI  
XO'JAND DAVLAT UNIVERSITETI  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
DAVLAT ADABIYOT MUZEYI  
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
QO'QON UNIVERSITETI

# **FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI**

*professor Ergash Ochilov tavalludining 60 yilligiga  
bag'ishlangan respublika ilmiy-nazariy  
konferensiyasi materiallari*

**“TAFAKKUR” NASHRIYOTI  
TOSHKENT – 2025**

**KBK: 83.3(50‘)**

**UO‘K: 821.512.133.09-1**

**O-95**

**Ochilov, E.** Filologiyaning dolzarb masalalari. [matn] : Ilmiy-nazariy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent: “Tafakkur” nashriyoti, 2025. – 656 b.

**ISBN: 978-9910-8294-7-5**

*Taniqli adabiyotshunos va tarjimon, filologiya fanlari nomzodi, professor Ergash Ochilov tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlangan ushbu “Filologiyaning dolzarb masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy anjumani to‘plami mamlakatimiz va xorijiy davlatlarning yetakchi olimlari hamda yosh tadqiqotchilarning o‘zbek mumtoz va zamonaviy adabiyoti, adabiyot nazariyasi va adabiy aloqalar, xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyot munosabati, badiiy tarjima va o‘zaro ta’sir masalalari, tilshunoslik va sharqshunoslikning muhim muammolariga oid, shuningdek, olimning hayoti va faoliyati yoritilgan maqolalarni o‘z ichiga oladi.*

**Tahrir hay’ati:**

Nizomiddin Mahmudov, Gulchehra Rixsiev, Maqsud Asadov, Boqijon To‘xlijev, Sultonmurod Olim, Almaz Ulviy, Shomirza Turdimov, Jabbor Eshonqul, Sayfiddin Rafiddinov, Durdona Xudoyberganova, Baxtiyor Fayzulloev, Ulug‘bek Hamdam, Qudrat Omonov, Zebo Qobilova, Xayrulla Hamidov, Dilshod Rajabov, Munisjon Hakimov

**To‘plab nashrga tayyorlovchilar:**

Munisjon Hakimov, Dilmurod Asqarov

**Taqrizchilar:**

Rahmatulla Barakaev, Olim Oltinbek,  
Marhabo Qo‘chqorova, Yorqinjon Odilov

**ISBN: 978-9910-8294-7-5**

© Ergash Ochilov, 2025 y.

© “Tafakkur”, 2025 y.

**Хайрулла ҲАМИДОВ,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

## **ТУРКИЯДА НАШР ЭТИЛГАН ЭНГ ЯНГИ ЎЗБЕКЧА- ТУРКЧА ЛУҒАТ ХУСУСИДА**

**Аннотация.** Ушбу мақолада 2025 йил “Türk Dil Kurumu” (Турк тил ташкилоти) томонидан нашр этилган “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük” (“Катта ўзбекча-туркча луғат”) хусусида мухтасар сўз юритилади. Мақола тақдимот мақсадида тайёрланган бўлиб, унда янги нашрдан чиққан луғат ва унинг ютуқлари саналиб, ўрни билан уни янада такомиллаштириш юзасидан айрим таклиф ва тавсиялар ҳам берилади.

**Калит сўз ва иборалар:** лексикография, икки тилли луғат, “Катта ўзбекча-туркча луғат”, сўз, термин, таржима, мақол, фразеологизм.

**Аннотация.** В данной статье речь идет о двуязычном словаре “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük” («Большой узбекско-турецкий словарь»), изданном Турецким языковым обществом (“Türk Dil Kurumu”) в 2025 году. Следует отметить, что данная статья имеет ознакомительный характер и не преследует цель оценки качества словаря. В статье также отмечены достижения словаря, а также даны некоторые предложения и рекомендации по его усовершенствованию.

**Ключевые слова и выражения:** лексикография, двуязычный словарь, «Большой узбекско-турецкий словарь», слово, термин, перевод, пословица, фразеологизм.

**Abstract.** This article is about the bilingual dictionary “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük” (“Big Uzbek-Turkish Dictionary”) published by the Turkish Language Society (“Türk Dil Kurumu”) in 2025. It should be noted that this article is for informational purposes only and does not aim to assess the quality of the dictionary. The article also notes the achievements of the dictionary and provides some suggestions and recommendations for its improvement.

**Key words:** lexicography, bilingual dictionary, “The Great Uzbek-Turkish Dictionary”, word, term, translation, proverb, phraseological unit.

Халқнинг маънавий қадриятлари унинг адабий тили, бой луғатида ўз аксини топади. Шу маънода луғат тилда мавжуд сўзлар жамланмиси ўлароқ унинг тараққиётини белгилаб, ана шу тараққиёт йўли ҳақида ҳам ишончли маълумот беради. Шу жиҳати билан луғатлар тарихнинг, халқ турмуш тарзи ва жамият ҳаётининг тиниқ кўзгуси ҳисобланади. Бу ерда, албатта, тилларнинг изоҳли луғатлари кўзда тутилмоқда. Икки ёки кўп тилли луғатлар ҳақида гап борганда вазият бирмунча фарқли бўлади.

**“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ёзилган сўзбошида шундай дейилади:** “Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум... Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат микдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради”[1,1-Ж.Б.5].

Икки тилли луғатлар тузиш бўйича XX асрнинг иккинчи ярмида салмоқли ишлар амалга оширилган. Аммо ўзбекча-туркча ва туркча-ўзбекча мукамал луғатлар ҳақида гап кетганда, аҳвол мақтанадиган даражада эмаслиги кўпчиликка маълум. Сўнгги ярим асрда соҳа мутахассисларининг иш қуролига айланган русча-туркча ва туркча-русча луғатга етадиган луғатлар ҳануз ярата олинмади. Яратилганлари эса жуда кичик ҳажмда (3 минг, 5 минг, нари борса, 5-8 минг сўз ва бирикмани ўз ичига олган) бўлиб, бугунги кунда юзага келаётган эҳтиёжни қондира олмайди. Зеро ҳар қандай тилнинг энг мукамал академик луғати (изоҳли, икки тилли луғатлар) 45-50 мингдан 80 мингга қадар

сўз ва иборани ўз ичига олишини мутахассислар яхши билишади.

Мамлакатимизда ўтган асрнинг 80-йиллари охирида биринчи навбатда тил сиёсати, лексикография соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилинди, қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Тил тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониётлари асосида ривожланиши қонуни тўла, эркин амал қила бошлади. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди” [1,1-Ж.Б.6].

Республикамиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби лексикография соҳасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилди, турли хил луғатлар нашр этилади бошланди. Илгари туркология соҳаси мутахассислари, таржимонлар “Катта русча-туркча луғат” [2] ва “Катта туркча-русча луғат” [3]дан ҳеч қийинчиликсиз фойдаланишган бўлса, бугунги кун туркологларининг кўпчилиги, айниқса ёш мутахассислар ўзбек, рус ва турк тилларини бир хил даражада билмасликлари сабаб айрим қийинчиликларга дуч келаётганликлари сир эмас. Шу нуқтаи назардан, 2023 йилда “Нобель” нашриётида (Туркия Республикаси) нашр этилган “Ўзбекча-туркча луғат” (“Özbek Türkçesi-Türkiye Türkçesi. Sözlük”) [4] юзага келган бўшлиқни қисман тўлдирди, ўзбек тилидан турк тилига таржима қилувчи мутахассислар, ижодкорлар, муаллимлар ва талабаларнинг мушкулларини бирмунча осонлаштирди, дейиш мумкин. Бу луғат ҳақида ўтган йили 1 та мақола нашр этилиб, унга муносабат билдирилган [6].

2025 йил июн ойида “Türk Dil Kurumu” (Туркия тил ташкилоти)да таниқли олимлар Проф. Др. Хусаин

Бойдемир ва Др. Нурсан Илдири томонидан тузилиб, нашр этилган “Катта ўзбекча-туркча луғат” (“Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük” [5])нинг алоҳида ўрни бор. Ушбу луғатни бугунгача Ўзбекистонда ва Туркияда нашр этилган икки тилли ўзбекча-туркча луғатларнинг энг аълоси дейиш мумкин ва бунга етарличп асос бор.

Ушбу луғат “Сўзбоши”сида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “Ўзбек тили шарқий туркча, ҳозирги турк тили эса ғарбий туркча сирасига кирувчи туркий тиллардан асосий иккитаси ҳисобланади. Сўз бойлиги, сўзловчилар сони ва тилнинг ишланганлигига кўра бу икки қардош тил қолган барча туркий тиллар ичида алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга. Бу икки замонавий тил ҳам қудратли императорликлар тили, ҳам асрлар оша адабий тил мақомига эга бўлиш тажрибасига эга. “Бобурнома”нинг, Навоий асарларининг луғавий жиҳатдан қанчалик бой бўлгани бизга яхши маълум. Бир замонлар “хамири” Юнус Эмро томонидан “қорилган” турк адабий тили ҳам юксак мақомга эга. Мана шу икки қардош тилнинг бутун сўз бойлигини ўз ичига олган луғатларга бўлган эҳтиёж собиқ шўро даври барҳам топгандан кейин яққол сезила бошлади”<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидлангани каби, худди ўша даврларда биз ҳам ёш мутахассислар билан ишлаш жараёнида айнан шундай янги луғатга эҳтиёж сеза бошлаганмиз ва бугун ҳам эҳтиёж қондирилгани йўқ. Бундан ташқари, ростини айтганда, янги нашр этилган луғат ҳали Ўзбекистонга ҳануз етиб келмади, лекин келгунга қадар муаллифлардан луғатнинг сўзбошиси ва баъзи зарур саҳифаларини сўраб олдик. Шунга кўра, китоб ҳақида умумий фикр билдиришга жазм қилдик, чунки биз бундай луғатни бир неча ўн йиллардан буён кутгандик.

2017-2024 йиллар орасида тайёрланиб нашрга топширилган мазкур луғат сўзбошисида муаллиф

---

<sup>1</sup> “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük. Hüseyin Baydemir, Nursan İldırı. – Ankara: Türk Dil Kurumu, 2025 (1278 s). – S.12.

(Проф., др. Ҳ.Байдемир)нинг қуйидаги содда ва самимий эътирофини ўқиймиз: “1996 йилдан эътиборан ўзбекча матнларни ўқиб, тушуниб, таржима қилишни бошладим. Илк таржималарим домла берган вазифалар эди. Қўлимда кичкина бир луғат бор эди, ундан бир сўз таржимасини топсам, иккинчисини тополмасдим. Ёнимда на ўзбекча билувчи одам, на ҳозиргидай интернет имкониятлари бор эди. Маъноси топилмаган сўзларни алоҳида рўйхат қилиб, турк филологияси кафедраси ўқитувчиларига олиб бориб сўраб олардим. Улар ҳам сўзларнинг тузилишига қараб, ёки контекстан келиб чиқиб маъноларини чиқаришга ҳаракат қилишар, шундай кўп сўзларнинг маъноси очилмай қолиб кетарди. Шундай кунларнинг бирида кутубхонамизда икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” борлигини эшитдим-у кутубхонага югурдим. Ҳақиқатдан ҳам Отатурк университети учун бебаҳо хазина ҳисобланган, минг машаққат билан Озарбайжондан олиб келинган Проф. Аббос Замонов номидаги кичик кутубхонада ўша машҳур икки жилдли луғат бор экан... Мен учун эса бу луғат энг бебаҳо хазина эди. Хоҳлаган сўзимни, ҳатто у сўз ишлатилган мақол ва ибораларни ҳам топа олардим, лекин айрим изоҳларни тушуна олмасдим... Ўша кундан бошлаб ягона орзуим кенг қамровли ўзбекча-туркча луғатнинг нашр этилиши бўлди. Мана орадан чорак асрдан ортиқ вақт ўтди...”

Ҳ.Бойдемирнинг луғат сўзбошисида ёзган қуйидаги сўзлари бизга ҳам жуда таниш бўлган вазиятларни эслатади: “Ушбу луғатни тайёрлаш ишлари 2017 йилда бошланган. Ўшанда ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини, ҳатто фразеологик бирликларни ҳам қамрай олган кенг миқёсли икки тилли луғат тузишга қарор қилганмиз. Ўша йиллар магистрант талабаларимиз ўзбек тилига оид диссертациялари билан боғлиқ матнлар излаб юришар, бизга тез-тез мурожаат қилиб туришар, топган икки тилли луғатларидан истаган сўзлари таржимасини топа олмаётганликларини айтиб роса нолишарди. Хусусан, биз

мақол ва иборалар иштирок этган жумлаларни қайтадан қидиришга мажбур бўлар эдик”<sup>1</sup>.

Янги луғатдан ҳозирги ўзбек адабий тилида, шева қатламида истеъмолда бўлган 41.460 луғат мақолачаси ўрин олган бўлиб, улар орасида адабий матнларда мавжуд бўлса-да, ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда учрамайдиган ва шевалардан олинган сўзлар, феъл нисбат шакллари ҳам бор. Луғат мақолачалари ичида 55.000дан ортиқ қўшма отлар, мураккаб феъл шакллари, дуо, қарғиш сўзлари ва бошқа ибора ва қолиплаган сўзлар мавжуд бўлиб, муаллиф уларнинг умумий сони 100.000 га яқин ва ўз ҳамда мажозий маънолари билан қўшиб ҳисоблаганда 300.000 га яқин эканлиги, қолаверса, сўз маъноларини тушунтириш учун 15.000 га яқин мисол жумлалар ва ифодалар ўрин олганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, муаллифлар ушбу луғатдаги мақолачаларга киритилган сўзларнинг ўзаги, келиб чиқишига доир маълумот бермаганлар, чунки этимология тилшуносликнинг чуқур, махсус тайёргарликни талаб этувчи соҳаси ҳисобланади. Муаллиф “Араб, форс, тожик, рус, мўғул, ҳинд, хитой, лотин, юнон ва бошқа тиллар соҳиби бўлмасдан туриб ўзбек тилининг этимологиясига қўл уриш, бу борада сўз айтиш профессионал нутаи назардан “ўз жонига қасд қилиш”дан бошқа нарса эмас”<sup>3</sup> – дейди.

Янги нашр этилган луғатдан фойдаланувчилар яна бир нарсани билишлари лозим. Луғатдаги сўзлар ҳозир Ўзбекистонда амалда бўлган лотин ёзувига асосланган алифбо тартибида эмас (унда *o', g', sh, ch* ҳарфлари алифбонинг охирида, *z* ҳарфидан кейин келган), “туркий дунёнинг ўртоқ лотин алифбоси” асосида қуйидагича тартибланган (*a, b, c, d, e, f, g, ğ, h, x, i, j, k, q, l, m, n, o, ô, p, r, s, ş, t, u, v, y, z*)<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük. Hüseyin Baydemir, Nursan İldırı. – Ankara: Türk Dil Kurumu, 2025 (1278 s). – S.13.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.17.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.14.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б.17.



2023 йилда нашр этилган “Ўзбекча-туркча луғат” (“Özbek Türkçesi-Türkiye Türkçesi. Sözlük”) [4]ни таҳлилга тортиш ушбу мақола олдида турган мақсад ҳисобланмайди, шунга қарамай айрим ўринларда қиёслаш нуқтаи назаридан янги луғатнинг устун жиҳатларини таъкидлаш керак бўлади. Масалан, қуйида икки луғатда берилган айрим ўзбекча сўзлар ва уларнинг туркча муқобилларини ёнма-ён қўйиб муқояса қилиб кўрилса, ўртадаги тафовут яққол сезилади.

Муаллифлар, шунингдек, соҳавий термин, тушунчаларнинг туркча муқобилларини топиш қанчалик қийин кечганини таъкидлар экан, айрим сўзларнинг муқобилларини ҳафталаб излаганликлари, кези келганда соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашишга тўғри келганлигини ҳам эслайдилар. Шу билан бирга муаллифлар ушбу луғатнинг кенг миқёсли бўлса-да, ҳар жиҳатдан мукамал эканлигига даъвогар эмасликлари, аслида ҳеч қандай луғат ҳамма истаганидек мукамал, қусурсиз бўла олмаслиги, тилдаги барча сўзлар бир луғатга сиғмаслиги, ҳар сўзнинг барча маънолари очиб берилиши мумкин эмаслиги, тил жонли нарсга бўлгани боис ҳар кун ўзгариб, тўлиб туришини камтарона такрорлаб ўтадилар ва бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин.

Умуман, Туркияда 2023 ва 2025 йилларда нашр этилган икки катта «Ўзбекча-туркча луғат» ўзбек-турк луғатчилиги тарихида янги босқич бошланганидан далолатдир. Бундан асосий мақсад турк лексикограф- олимларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаб, унинг туркча муқобилларини бериш, тавсифлаш ва барқарорлаштириш, айти пайтда нутқ маданиятининг юксалишига хизмат қилишдан иборат бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Ушбу эзгу мақсадга қандай эришилгани ва ҳамкасбларимиз ўз олдларига қўйган вазифаларни қай даражада бажарганликларини вақт кўрсатади. Чунки, луғатлардан фойдаланиш жараёнида уларнинг ҳақиқий сифат ва савияси ўз-ўзидан юзага чиқади. Шу билан бирга, луғатни юзаки бўлса-да кўздан кечириш сирасида кўзларга чалиниб қол-

ган айрим жузъий камчиликлар, мунозарали, баҳсли ўринлар хусусида холис фикрларни луғатлардан фаол фойдаланувчи мутахассислар, таржимонлар ахлоқ-одоб доирасида билдирсалар, барча камчиликлар келгуси нашрларда бартараф қилинишига ҳеч шубҳа йўқ. Чунки муаммоли ўринларнинг ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилиши вақт билан боғлиқ масаладир. Шундан келиб чиқилса, юзага келган фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифларни шакллантириб, луғат муаллифларига тез орада билдириш мақсадга мувофиқ. Зеро, луғат жонли лисоний ҳодиса ҳисобланади ва уни мунтазам тўлдириб, бойитиб бориш, бунда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб иш тутиш тузувчиларнинг профессионал вазифалари доирасига киради.

**Хулоса.** Йирик турк тилшунослари, соҳа мутахассислари томонидан бир неча йил давомида катта куч-ғайрат, чидам ва фидойилик билан тайёрланган луғатни жуда айни пайтида нашр этилган, ҳам ўзбеклар, ҳам турклар учун катта орзу бўлиб келаётган бундан ҳам “Катта ўзбекча-туркча” ва “Катта туркча-ўзбекча луғат”лар яратилгунга қадар ўта фойдали лексикографик манба, тилшунос ва таржимон мутахассисларнинг “оғирини енгил қила оладиган” “катта сўзлик” бўлади, деб умид қиламиз. Зеро, ҳар қанда луғат яратилгандан кейин ўтадиган вақт мобайнида тил ва унинг лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олиниб, унинг янги нашрини яратишга эҳтиёж туғилиши табиий. Бунга ўзбек тилининг 1981 ва 2006 йилдаги изохли луғатлари ва Туркияда ҳар 10 йилда янгиланиб нашр қилиниб келаётган “Türkçe Sözlük” [7] мисол бўла олади. Таҳлилий мулоҳазалар натижаси ўлароқ ва луғат тузувчилар томонидан улкан иш амалга оширилганини яна бир карра эътироф этган ҳолда йиллаб кутилган луғатларнинг дунё юзини кўргани ўзбек-турк луғатчилиги, лексикографиянинг ютуғи эканлигини такрор таъкидлаб, ушбу китоб луғатчилик соҳасида тадқиқотлар олиб борилишига ҳам асос бўлди, деб умид қиламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

[1] – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли: – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

[1,1-Ж.] – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-жилд: – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

[2] – Büyük Rusça-Türkçe Sözlük. – M.: «Russkiy yazık», Multilingual. – İstanbul, 1995.

[3] – Büyük Türkçe-Rusça Sözlük. – M.: «Russkiy yazık», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994.

[4] – Özbek Türkçesi – Türkiye Türkçesi. Sözlük. Hikmet Koraş, Fatma Açık, Zamira Öztürk. – Ankara, “Nobel” Yayınevi. – 2023.

[5] – “Büyük Özbekçe-Türkçe Sözlük. Hüseyin Baydemir, Nursan İldırı. – Ankara: Türk Dil Kurumu, 2025 (1278 s). – S.3.

[6] – Yangi “O‘zbekcha-turkcha lug‘at”: Yutuqlar va muammolar. “Markaziy Osiyoda leksikologiya va leksikografiya: an‘analar va hozirgi zamon ilmiy maktablari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami. Journal homepage: . Pages:133 – 141.

**Абдуназар РАҲМОНҚУЛОВ,**  
*Хўжанд ДУ доценти,  
филология фанлари номзоди*

### МУҚИМИЙ НАЗМУ НАВОЛАРИ ТАДҚИҚИ САРИ...

**Аннотация.** Мақолада таниқли адабиётшунос, ғазалшунос ва санъатшунос Эргаш Очилов тадқиқотлари, тўпламлари асосида Муҳаммадаминхўжа Муқимийнинг айрим кўшиқ ғазаллари матни шарҳланиб дискурсив таҳлилга тортилган. Ғазаллар асосидаги кўшиқлар ва куйлар номланишига эътибор қаратилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** минталитет, куй ва оҳанг, ғазал, матла, мақта, маҳфил

**Аннотация.** В статье на основе исследований и сборников известного литературоведа, газелистики и искусствоведа Эргаша Очилова анализируется и переосмысливается текст некоторых газелей Мухаммадаминхужи Мукими. Особое внимание уделяется наименованиям песен и мелодий, созданных на основе газелей.

## MUNDARIJA

### ADABIYOT NAZARIYASI VA ADABIY ALOQALAR

|                                                                                                                       |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Султонмурод Олим. Серистеъдодлилик .....                                                                              | 4  |
| Баҳодир Карим. Диний-тасаввуфий таҳлил методи ...                                                                     | 18 |
| Иброҳим Худоёр. Ваҳйи дил дар мероси андешагони<br>ориф Меҳнавий Абусаид Абулхайр .....                               | 27 |
| Ахлоқ Аҳмад Оҳан. Вежагиҳои шеърӣ форси ва шеърӣ<br>Бедил.....                                                        | 33 |
| Salidə Şərifova. Xəlil Yusiflinin elmi tədqiqatlarında Şərq<br>intibahı .....                                         | 40 |
| Abdugʻopir Qosimov, Oybek Xolmatov. Erix Mariya Remark<br>va Oʻtkir Hoshimov romanlarida askar ruhiyati talqini ..... | 60 |
| Мавҷуда Ўрунова. Санъати муодила дар ғазалиёти<br>Соиб.....                                                           | 66 |
| Адҳамбек Алимбеков. Озарбайжоннинг биринчи<br>шоираси – Маҳсатий Ганжавий .....                                       | 77 |
| Ўктамали Сатторов. Адабий таъсир ва ижодий ўзига<br>хослик .....                                                      | 88 |
| Рустам Умурзаков. Бола образининг назарий<br>муаммолари .....                                                         | 97 |

### O'ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI MASALALARI

|                                                                                                          |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Илёс Исмоилов. Тўрт муножот шарҳи .....                                                                  | 107 |
| Мутабар Шарипова. Особенности суфийской прозы и<br>проза Ходжа Абдаллаха Ансари .....                    | 113 |
| Farida Karimova. Xusrav Dehlaviyning “Vasat ul-hayot”<br>devoni debochasida badiiy ijod masalalari ..... | 124 |
| Орзигул Ҳамроева. Ҳомидий Балхий “Юсуф ва Зулайхо”<br>достонининг қўлёзма нусхалари .....                | 132 |
| Мавлонберди Суюнов. Матла ва унинг ғазалдаги<br>ўрни.....                                                | 141 |

|                                                                                                                                           |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Muhammadxon Hakimov. Matn va badiiylik kategoriyasi xususida .....                                                                        | 537 |
| Мўсо Олимҷонов. Мавқеи як калимаи аслии тоҷикӣ дар ғановати таркиби луғавии забони ўзбекӣ .....                                           | 549 |
| Yorqinjon Odilov. Globallashuv davri o'zbek publitsistik uslubi taraqqiyotida o'zlashma tarkibli yasalmalarning o'rni.....                | 561 |
| Rahimboy Jumaniyozov. O'qituvchilarning nutq madaniyati va ma'naviy tarbiyasini rivojlantirish metodikalari, usullari va vositalari ..... | 570 |
| Sayyoraxon Qurbonova. Atoqli otlarning pragmatikasi ..                                                                                    | 582 |
| Svetlana Khudayberdieva. Psycholinguistic experiments and their types .....                                                               | 589 |
| Abdumannon Hasanov. So'z birikmasining nominativ imkoniyatlari haqida .....                                                               | 595 |
| Тоҳир Турдибоев. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилига муносабати масаласига доир .....                                                     | 601 |
| Muxtorali Zokirov. Tillar aloqasining jamiyat hayotidagi lingvistik va madaniy jihatlari haqida .....                                     | 606 |
| Хайрулла Ҳамидов. Туркияда нашр этилган энг янги ўзбекча-туркча луғат хусусида .....                                                      | 612 |
| Абдуназар Раҳмонқулов. Муқимий назму наволари тадқиқи сари... ..                                                                          | 620 |
| Vazira Xamidova. Fors va o'zbek tillarida hisob so'zlarning lingvomadaniy xususiyatlari .....                                             | 629 |
| Gulnura Usenbayeva. O'zbek va qozoq tillarida kiyim-kechakka oid maishiy leksikaning ifodalanishi .....                                   | 637 |
| Mumtozbegim Abduolimova, Mohidil Axunova. O'zbek tilida ekspressivlikning o'xshatish vositasi orqali ifodalanishi .....                   | 644 |

# FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI

**MUHARRIR:** A. MUXTOROV  
**TEXNIK MUHARRIR:** O. MUXTOROV  
**SAHIFALOVCHI DIZAYNER:** D. AKRAMOV



Nashriyot litsenziyasi: 5209

Bosishga ruxsat etildi 31.10.2025.  
Bichimi 60x84  $\frac{1}{16}$ . Ofset qog'oz. Ofset bosma  
usulda bosildi. "Cambria" garnituras.  
Shartli bosma taboq 41. Adadi 150 nusxa.

Original maket «Tafakkur» nashriyotida tayyorlandi.  
**Manzil:** Toshkent viloyati, Toshkent tumani, Bunyodkor MFY,  
Ko'l 17-tor ko'cha, 9-uy. Tel: 71 2447588.  
Email: tafakkurmaktub@mail.ru

«Fan va ta'lim» nashriyoti bosmaxonasida chop etildi.  
**Manzil:** Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Navoiy  
ko'chasi, 30-uy. Websayt: fanvatalim.uz  
**Email:** info@fanvatalim.uz **Tel:** +998 94 6644003.  
📞@FANVATALIMGA